БУГУН ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ XX СЪЕЗДИ ОЧИЛАДИ.

СЪЕЗД ДЕЛЕГАТЛАРИГА АЛАНГАЛИ САЛОМ!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 23 (7413). ● 3 февраль, 1981 йил ▲ СЕШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

ОММАНИНГ ЕТАКЧИСИ

М. МУСАХОНОВ,

Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг биринчи секретари

Тошкент области коммунистлари, барча меҳнаткашлари КПССнинг XXVI съездини муносиб тарзда, юксак сиёсий ва меҳнат кўтаринкилиги билан кутиб олмоқдалар. Улар бугун ўз ишини бошлаётган Ўзбекистон Компартияси XX съездига янги ютуқлар билан келдилар.

Саноат корхоналари ва қурилишларда, конструкторлик бюролари ва илмий лабораторияларда, колхоз ва совхоз далаларида, чорвачилик фермаларида — ҳамма ёқда қизғин меҳнат давом этмоқда, съездолди мусобақаси кенг қулоч ёйиб, қиммат ли почин ва ташаббуслар туғилмоқда. Барча хайрли ишларни ҳар сафаргидек коммунистлар бошлаб бермоқдалар. Улар етакчилик қилаётган меҳнат коллективлари ўн биринчи беш йилликни яхши бошладилар.

Ўзбекистон Компартиясининг ажралмас таркибий қисми бўлган Тошкент область партия ташкилоти ўзининг бутун фаолиятини жанговар штаб — республика Компартияси Марказий Комитети раҳбарлигида амалга оширмоқда.

Область партия комитети, шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, совет ва хўжалик органлари ташкилотчилик ва сиёсий ишларининг асосий йўналиши XXV съезд, КПСС Марказий Комитети Пленумлари қарорларини, ўртоқ Л. И. Брежнев нутқларида баён қилинган қоида ва хулосаларни изчиллик билан оғишмай амалга оширишдан иборат бўлди.

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йиллар ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари» лойиҳасини қизғин муҳокама қилаётган область меҳнаткашлари партиянинг меҳнат кишиси тўғрисидаги ғамхўрлигига янги шонли ишлар билан жавоб бермоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг XXVI съездга лойиҳасида ўз ифодасини топган программ кўрсатмалари область меҳнаткашларида социалистик Ватанимиз учун, улуғ Ленин партияси учун фахрланиш туйғусини туғдирмоқда. Партиямиз ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, халқ зиёлиларини коммунистик бунёдкорлик йўлидан ишонч билан бошлаб бормоқда. Белгиланаётган вазифалар улуғворлигидан руҳланган коммунистлар, барча тошкентликлар партия режаларига, унинг далил ниятларига ўзларининг алоқадорликларини ҳис этмоқдалар. Бу табиий бир ҳолдир. Чунки КПСС бутун фаолиятининг олий мақсади халқ фаровонлигидан иборат. Партиянинг ана шу юксак инсонпарварлик мақсади, деб таъкидлаган эди ўртоқ Л. И. Брежнев, уни халқ билан, барча совет кишилари билан чамбарчас боғлаб туради.

Областимиз шаҳар ва қишлоқларининг меҳнаткашлари ўнинчи беш йилликда яратилган пухта замин билан ўн биринчи беш йилликка қадам қўйдилар. Жумладан, саноат маҳсулотини реализация қилиш ва буюмларнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш бўйича беш йиллик планлар 26 ноябрдаёқ бажарилган эди. 1975 йилга нисбатан ишлаб чиқариш ҳажми пландаги 19 процент ўрнига 28,7 процент ўсди ва 6 миллиард сўмликка етди. Меҳнат унумдорлиги пландаги 11 процент ўрнига 19 процент ортди. Беш йиллик бошидан буён планга қўшимча 650 миллион сўмликдан ортиқроқ маҳсулот реализация қилинди.

Бинокорлар ҳам яхши ишладилар. Улар Чирчиқдаги "Электрохимпром" ишлаб чиқариш бирлашмасида капролактам ишлаб чиқариш бўйича ноёб комплексни, Ўзбекистон металлургия комбинатида электр билан пўлат эритиш цехини фойдаланишга топширдилар, Оҳангарон цемент комбинатида, трактор, экскаватор ва бошқа заводларда янги қувватларни ишга туширдилар, 4,7 миллион квадрат метр турар-жой саҳнини қўллан чиқардилар.

Социалистик мусобақа етакчилари сафида Тошкентдаги Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ташсельмаш», Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати, Ангрендаги резинотехника заводи, Ангрен кўмир разрези ва бошқа илғор коллективлар бормоқда. Саноатимиз ютуқларида фан-техника тараққиётини жадал суръатлар билан жорий этиш муҳим роль ўйнамоқда. Корхоналарни реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантиришга партия ташкилотлари биринчи даражали эътибор бермоқдалар. Натижа ҳам чакки бўлмаяпти. Ўнинчи беш йиллик мобайнида 594 цех ва участка комплекс механизациялаштирилди ва автоматлаштирилди, 470 дан ортиқ механизациялашган поток ва автоматик линиялар ўрнатилди. Бу 450 та янги машиналар турларини, ускуналар, аппарат ва приборларни, кўпгина халқ истеъмоли янги буюмларни серияли ишлаб чиқиш имконини берди. Давлат сифат белгиси билан 1150 хил буюм ишлаб чиқарилмоқда.

Ҳамма янги ва илғор усулларни жорий этишда коммунистлар ташаббускор бўлиб чиқмоқдалар. Улар фидокорона меҳнат намуналарини кўрсатиш билан, оташин сўзлари ва шахсий намуналари билан ўз коллективларини янги зафарлар сари эргаштириб бормоқдалар. Улар ўз маҳоратларини баҳам кўришга ҳамиша тайёр турадилар. Область партия ташкилоти бу чинакам коммунистик ҳислатни қўллаб-қувватлаб, уларнинг илғор тажрибасини кенг ёймоқда, уни омма мулкига айлантирмоқда. Бугунги илғорнинг рекорди эртага у билан ёнма-ён ишлаётган кишилар учун норма бўлиши керак! Ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари ана шунга даъват этмоқдалар. Янгийўлликлар ташаббусининг туғилишини ҳам аслида шу билан ифодалаш мумкин. Улар «Қолоқларсиз, самарали, юксак сифат билан ишлайлик!» шиори билан мусобақалашишга чақирган эдилар. Бу ташаббусни область партия комитети маъқуллади. У кенг қулоч ёйди. Область партия комитети, шаҳар ва район партия комитетлари катта ташкилотчилик ишлари олиб бордилар. Бунинг натижасида янгийўлликлар шиори остида шаҳар ва қишлоқларнинг юз минглаб меҳнаткашлари мусобақага жалб этилдилар. Янгийўлликларнинг изошларини областдагина эмас, республикада ҳам кўриш мумкин. Бу ташаббуснинг аҳамияти ниҳоятда катта бўлди. Шуни айтиш кифояки, ўнинчи беш йиллик якунловчи йилининг тиғиз планларини ана шу мусобақанинг 310 минг қатнашчиси муддатидан илгари бажарди.

Илғорларнинг бошқа ватанпарварлик ҳаракатлари ҳам вужудга келди. Улар шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари сабот билан олиб борган ташкилотчилик ва ғоявий-тарбиявий ишлар туфайли кенг ёйилди. Беш йиллик мобайнида икки беш йиллик планни бажариш мажбуриятини олган областимизнинг 10 новатори ташаббуси область партия комитети томонидан маъқуллангач, у кўпгина корхоналарда қўллаб-қувватланди.

Бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини 5631 киши бажарди. Биз ана шундай ажойиб кишиларимиз билан фахрланамиз. Улар орасида «Ташсельмаш» заводининг пайвандчиси, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзоси М. Мўйдинов, тўқимачилик комбинати йигирувчиси, Виноградовалар номидаги мукофотнинг лауреати Н. В. Ершова, «Малика» трикотаж бирлашмасининг тўқувчиси, Тошкент шаҳар партия комитетининг аъзоси Ш. Холмуҳамедова, В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг йиғувчи-слесари, корхона партия комитетининг аъзоси, қўш Ленин ордени кавалери И. М. Басанец, «Бекабадцемремонт» корхонасининг ишчиси, шаҳар партия комитетининг аъзоси Т. Ғаффоров, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатининг ишчиси, СССР Давлат мукофотининг лауреати З. И. Побединская, Янгийўл пойафзал фабрикаси ишчиси, шаҳар Советининг депутати А. Икматовалар бор.

Область меҳнаткашлари КПСС XXVI съездига меҳнат совғалари тайёрлашаркан «Партия XXVI съездига — йигирма олти зарбдор ҳафта!» шиори остида социалистик мусобақани кенг авж олдирдилар. Бу ташаббусни бошловчилар 1981 йил биринчи квартал планини партия съезди очиладиган кунгача бажаришга қарор қилдилар. Ҳозир областнинг 285 минг нафар меҳнат аҳли, 245 корхона ва хўжалик, 5225 бригада ва 2183 цех коллективлари ана шу ташаббускорларнинг издошларидир.

Биз фахрланиб айта оламизки, Тошкент пахтакорлари бир неча йилдан буён «оқ олтин» етиштириш бўйича социалистик мажбуриятларини шараф билан бажармоқдалар. Бу яхши анъана бўлиб қолди.

Область партия комитети, районларнинг партия комитетлари қишлоқ хўжалигининг ҳамма турдаги ишлари бўйича аниқ тадбирларни пухта ишлаб чиқмоқдалар ва чигитни экишдан тортиб уни йиғиб-териб олишгача ва йиғим-теримдан чигит экишгача ҳамма технологик жараёнларга қатъий риоя қилмоқдалар. Белгиланган тадбирларни амалга оширишни область партия комитети, районларнинг партия комитетлари, район ва хўжалик бошқармалари ҳузурида тузилган штаблар назорат қилмоқдалар.

Пахтачилик хўжаликлари олдига чигит экишни 5—7 иш кунида тугаллаш, ниҳолларга ишлов бериш циклини 12—14 кунда, дефолацияни 8—10 кунда, бутун ҳосилни йиғиштириб олишни 20—30 кунда тамомлашдек аниқ ва равшан вазифа қўйилмоқда. Муддатлар тиғиз. Лекин улар реал ҳамда эртаки пахта етиштириш учун зарурий шартдир. Шунинг учун улларга оғишмай амал қилинади.

(Давоми 2-бетда)

«Партия давримизнинг ақл-идроки, шон-шарафи ва виждонидир».

В. И. ЛЕНИН.

КОММУНИСТ МИНБАРДАДИР

(СЪЕЗД ЗАЛИГА БИР НАЗАР)

Эътибор ОХУНОВА,

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати.

Қудрат деган бир дарё ўтиб борар тонг билан,
Қутлуғ анжуман сари, сўзлагани зафардан.
Тонг нуридай мусаффо ишонч билан, ор билан,
Коммунистлар келмоқда овул, қишлоқ шаҳардан.

Қуёш турар таъзимда... ўтиб борар кашфлар,
Кумуш зарбофларидан тўшаб қўяр поёндоз.
Хушхонлар ҳам қўшиғин шул байрамга бағишлар,
Кўчаларнинг бағри кенг... борлиқ гўзал, сарафроз.

Коммунист ўтиб борар, ғолиб, бардам, устивор,
Зафар китоби қўлда, меҳнат қаламн билан.
Бу юртда не ўктамлик, муҳтарамликлар-кн бор,
У тортган залвор юклар, унинг карамн билан.

Коммунист минбардадир...
Туйғулар беланчаги—
Аллалаб қўяр унн бирдам ардоқларида.
Шу Ватан кечмишн у, шу элнинг келажагн,
Эзгуликлар яратган қўлин қадоқларидан.

Коммунист амри билан Аму даштларга оқдн,
Қумлар бархани ичра шаҳарлар ҳам яркирар,
Сирни даст кўтарди у чўлга камардай тақдн
Гнёҳснз манзилларда яшнл боғлар барқ урар,

Коннот дафтарнга дастхат ёзди нур билан,
Инсон қалбига ёзди, поклик деган туйғукн.
Коммунист номнн айтар миллнонлар ғурур билан,
Унга ишонб сўзлар, шодлнгнни, қайғуни.

Коммунист минбардадир,
Бунда олам нигоҳи.
Коммунист минбардадир, мадад олмоқда диллар.

Коммунист минбардадир—унн тинглайди эллар,
Мадад олмоқда эллар тинглаб, пушти-паноҳин.

Уфқларни силжитиб, бузиб даштлар оромнн,
Қўриқлар тандирида ёпмоқ чун бугдой нонлар.
У кўксин посбон айлаб, олов қилгандир жонин,
Бу замон тарнхнга ёзмоқ чун янги шонлар.

Маржонбулоқ, Навоий, Ширин... нурхона бўлди,
Алп қадам бунёдкорнинг қутлуғ қадамларидан.
Она тупроқ бағри ҳам ганжи-дурхона бўлди,
Леннинч авлод деган дунё меҳнатидан.

Коммунист минбардадир,—
Рапорт берар халқнга.
Истиқбол баёзнинг саҳифасин варақлаб.
Халқнинг меҳр чўғидан оташ олар қалбига,
Халқ закоси нуридан юраг доим ярақлаб.

Минбарда деҳқон отам,
Мирзачўл садафларин —
Ҳнжолардай бирма-бир санаб, қилади роҳат.
Минбарда ишчн акам, устозу салафларим,
Уч беш йилнн бир йилда ўрнламоқ одатн.

Тўқсоннинчи йилларга марза олар минбардан,
Замон юкин орқалаб кетмоқ нстар елкасн.
Кумуш-кумуш тонгларнн ясай олар тунлардан,
Истар, маъмурлик ичра бўлсин дўстлик ўлкасн.

Коммунист минбардадир,—
Дилин сўзлар халқнга.
Олам етар камолга, яна порлоқ эртамиз.
Коммунист минбардадир,
Бизлар бу ўт бағнрга,
Бу ёруғ кошонага, таъзим айлаб ўтамиз.

ҒАЛАБА РАПОРТЛАРИ

МАЖБУРИЯТ БАЖАРИЛДИ

«Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси бўлинмалари ўртасидаги мусобақада аммиак тайёрловчи хизматлар пешқадамлик қилмоқда. Минерал ўғитнинг бу муҳим хомашёсини ишлаб чиқарувчи ишчи ва хизматчилар дастлабки меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Улар Ўзбекистон Компартияси съезди очиладиган кунгача қўшимча 1500 тонна аммиак ишлаб чиқариш ҳақидаги ошнрилган мажбуриятларини муваффақиятли уддасидан чиқдилар. Ваъда 21 январдаёқ шараф билан адо этилди. Ҳозиргача пландагидан ташқари 2 минг тоннадан ошиқ қиммат ли химия хом ашёси ишлаб чиқарилди. Бу меҳнат ютуғида Н. Исматов, А. Сафаралиевлар раҳбарлик қилаётган узлуксиз ишловчи сменаларнинг ҳиссаси катта. Улар меҳнатда юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар. Топшириклари кун сайин знёдаси билан адо этишяпти.

МУНОСИБ СОВҒА

Республикамиз пойтахтида олиб борилаётган уйжой қурилишига «Жилстрой» трести бинокорлари муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Айниқса, трестнинг монтаж бошқармаси коллективи самарали меҳнат қилмоқда.

Бошқарма бўйича КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съездн шарафига бораётган социалистик мусобақада кўпгина бригадалар юксак меҳнат кўрсаткичларига эришмоқдалар. Айниқса, Виктор Демидов раҳбарлигидаги комплекс бригада унумли ва сифатли ишлаяпти. Ўнинчи беш йилликда икки беш йиллик топшириғнни бажарган бу меҳнатсевар коллектив шу кунларда ҳам зарбдор вахтада туриб, топшириқни ҳар куни знёдаси билан адо этмоқда. Бригада аъзолари бошқармада биринчи бўлиб январь ойи программасини бажаришган эди. Ҳозирги вақтда февраль ойининг сўнгги кунлари ҳисобига ишламоқдалар.

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ XX СЪЕЗДИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XX съезди делегатларига шуни маълум қиладики, съезд 1981 йил 3 февраль куни эрталаб соат 10 да В. И. Ленин номли СССР Халқлари дўстлиги саройида очилади.

ЖОНАЖОН ПАРТИЯ ДОНИШМАНД, ДАҲО—

ОММАНИНГ ЕТАКЧИСИ

(Бошы 1-бетда).

Барча қишлоқ хўжалик кампанияларини муваффақиятли ўтказишга партия ташкилотлари олиб бораётган актив ғоявий-тарбиявий иш бир мунча ёрдам бермоқда. Область партия комитети 1980 йил пахта ҳосилини йиғиб олишни ташкилий ва оммавий-сиёсий жиҳатдан таъминлаш юзасидан Бўка район партия комитетининг тадбирларини тасдиқлади. Бундай тадбирлар барча пахтакор районларда ишлаб чиқилди. Уларни амалга ошириш мусобақанинг тарбиявий ролини кучайтиришга, қишлоқ меҳнаткашлари социал активлигини, яъни уларнинг коммунистик ғоявийлигини, коллективизмни кучайтириш, масъулият ва бурчни ҳис этишга ёрдам берди. Далада ишлаганлар учун яхши маданий-маиший шароит яратилди. Областда ҳар йили ўтказиладиган дала шийпонлари кўрик-конкурси ҳам бунга ёрдам берди.

Катта ташкилотчилик, ғоявий-тарбиявий ва оммавий-сиёсий ишларнинг оқибат натижалари ҳаммамизни қувонтирмоқда. Пахта тайёрлаш беш йиллик плани муддатидан илгари, 29 сентябрда бажарилди. Беш йиллик бошидан буён давлатга 2 миллион 100 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» топширилди. Беш йилликнинг якунловчи йилида рекорд ҳосил етиштирилди. Область республика хирмонига 484 минг тонна пахта топшириб, бу билан Ўзбекистон пахтакорларининг улкан ғалабасига салмоқли ҳисса қўшди. Ҳар гектар ердан ўртача 35,7 центнер ҳосил кўтарилди. Машиналар билан 86 процент «оқ олтин» терib олинди.

Областда бир қатор юқори ҳосил усталари етишиб чиқди. Икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати, Чиноз районидаги Киров номли колхознинг бригада бошлиғи Турсуной Охунова, Бекобод районидаги Ленин номли колхознинг бригада бошлиғи Адолат Рўзматова, Ғалаба районидаги Свердлов номли колхоз бригада бошлиғи Наби Ўринбоев, Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг механик ҳайдовчиси Сервер Усеинов сингари шонли дала гвардиячиларининг номларини айтиб ўтгинг келади. Кўпгина бригадалар гектаридан 50—55—60 центнердан ҳосил олмоқдалар. Юқори ҳосилли хўжаликлар ҳам оз эмас. Масалан, Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози ўртача 47—50 центнердан «оқ олтин» етиштирмоқда.

Янги беш йиллик янги вазифаларни олдинга қўймоқда. Далалар ҳосилдорлиги ўсиб бориши керак. Пахтакорлар ҳам буни ҳис қилган ҳолда кўкламга шай бўлиб турибдилар.

Область партия комитети Пискент район партия комитети ва район ижроия комитетининг 1981 йил ҳосили учун куз-қишки ишларни муваффақиятли ўтказиш соҳасидаги ҳамда «Оққўрғон» совхозининг қишлоқ хўжалик техникасини 1981 йилда сифатли, ўз вақтида ремонт, қилиш ва тайёрлашни таъминлаш юзасидан тадбирларини маъқуллади. Бундай тадбирлар областнинг бошқа пахтакор районларида ҳам ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

Пахтакорлар, механизаторлар, ремонтчилар ўз сўзларига қатъий амал қилмоқдалар. Мана биргина мисол. Оққўрғон районида бундан бир ой олдин энниш агрегатлари баҳорги дала ишлари учун ремонт қилиб, тайёрлаб қўйилган эди. Анъанага кўра ҳар йили ўтказиладиган ремонт қилинган техника кўриги механизаторлар садоқат билан, юксак масъулиятни ҳис қилган ҳолда ишлаганликларини кўрсатди.

Бошқа районларда ҳам иш ёмон эмас.

Қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ходимлари ҳам пахтакорлардан орқада қолмаяптилар. Ўтган йили улаб каноп, дон, сабзавот, полиз, жун, пилла тайёрлаш социалистик мажбуриятларини, картошка, мева, узум тайёрлаш йиллик ҳажмларини анча ошириб бажардилар.

Ўнинчи беш йиллик мобайнида областда чорвачиликни жадал ривожлантириш юзасидан бирмунча тадбирлар амалга оширилди. Бу ишда ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг тошкентлик чорвадорларга йўллаган табрик хати катта сафарбарлик ролини ўйнади. Бу хатни программ ҳужжат сифатида қабул қилган партия комитетлари, совет ва хўжалик органлари барча ташкилотчилик ва сиёсий ишларни янада юксак даражага кўтардилар. Катта мамнуният билан айтиш мумкинки, ўтган йили чорвадорлар ҳамма кўрсаткичлар бўйича яхши натижаларга эришдилар. Партия XXVI съезди очиладиган кунга улар 1981 йил биринчи квартал планини бажариш манбуриятини олдилар.

Область қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика ҳукуматининг доимий ғамхўрлигини ҳис этиб турибдилар. Бу ғамхўрликлар уларни янги муваффақиятларга эришишга даъват этмоқда.

Ижтимоий ишлаб чиқариш тўхтовсиз ўсиб бораётганлиги туфайли аҳоли фаровонлиги ошиб бормоқда. Чакана товар оборoти беш йиллик мобайнида қариб 38 процент ўсди. Планга қўшимча равишда аҳолига 154 миллион сўмлик буюмлар сотилди. Маориф, соғлиқни сақлаш, маданият, транспорт ва алоқа янада ривожланди.

Тошкентликлар шуни яхши биладиларки, меҳнат ва фақат меҳнат билан Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши учун мустаҳкам замин яратилади, иқтисодий, илмий-техникавий потенциал ортади, халқ баҳт-саодатига пойдевор қўйилади. Ўртоқ Л. И. Брежнев таъкидлаганидек, совет кишиларининг турмуш даражаси уларнинг ўз қўлларидадир. Бугунги бизнинг турмушимиз кеча қандай ишлаганлигимизга боғлиқ. Эртага эса бугун қандай ишлаганлигимизга қараб ҳаёт кечирамиз.

Ана шу фикр КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳасини муҳокама этишда қатнашаётганларнинг сўзларида яққол сезилиб турибди. Лойиҳа эълон қилиниши билан областнинг барча шаҳар ва районларида ўтказилган ягона сиёсий кун партиянинг бу муҳим ҳужжатини шарҳлашга бағишланди. Область партия комитетининг аъзолари, совет, касаба союз органларининг масъул ходимлари, сиёсий докладчилар, олимлар ва олий ўқув юртларининг ўқитувчилари, илмий-тадқиқот институтларининг ходимлари ишчилар, хизматчилар, колхозчилар олдида сўзга чиқиб, уларнинг ҳамма саволларига жавоб бердилар.

Лойиҳани муҳокама қилишда партия ташкилотларимиз, идеология активи ғоят муҳим роль ўйнамоқда. Улар муҳокамани ташкил этар эканлар, партия ҳужжатининг чуқур сиёсий моҳиятини англаб етиш билан бирга ишлаб чиқариш коллективларининг конкрет вазифаларини у билан яқин боғлашга ҳаракат қилмоқдалар. Бу ҳол муҳокамага чинакам ишчанлик руҳини бермоқда: коммунистлар, барча меҳнаткашлар планлаштириш ва бошқарувни яхшилашга қаратилган масалаларни, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишга қаратилган таклифларни ўртага ташламоқдалар, ҳар бир ишчи, колхозчининг юқори унум билан меҳнат қилиши учун зарур шарт-шароитлар яратилиши лозимлигини таъкидламоқдалар.

Коммунистлар, областнинг барча меҳнаткашлари шуни яхши биладиларки, олға қараб бориш учун партиянинг Асосий йўналишлар лойиҳасида белгиланган режаларини амалга ошириш учун экономиканинг биронта соҳасида ҳам қолоқ участкалар бўлмаслигига эришиш керак, барча меҳнат коллективлари фаолияти эса янги чўққиларга чиқиши лозим. Негаки, В. И. Ленин иборасн билан айтганда олдимизда ғоят улкан ишлар турибди, шу вақтгача сарф қилингандагидан кўпроқ меҳнат сарф қилиш талаб этилади. Ҳаёт мусобақа самарадорлигини ошириш, ташаббусларни ҳамма жойда активлик билан қўллаб-қувватлаш, ҳар бир коллективда чинакам ижодий вазият вужўдга келтириш зарурлигини тақозо этмоқда.

Область партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари учун барча меҳнат коллективларининг янги беш йиллик биринчи йили план ва социалистик мажбуриятларини бажариш ҳамда ошириб бажариш, КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш йўлида изчил кураш олиб боришдан ҳам фахрлироқ вазифа йўқ.

Партия бизга мамлакат бойлигини янада ошириш ва халқ фаровонлигини ўстиришнинг йўли илҳом билан юқори сифатли меҳнат қилишдан иборат деб кўрсатмоқда. Биз ана шу йўлдан қатъий ва оғишмай бориб ўзимизнинг бутун ижодий кучларимизни коммунизм қурилишига сарфлаймиз.

Ўзбекистон Коммунистик партияси XX съездида қатнашувчи Тошкент области делегатларидан бир группаси. А. Абаян фотоси.

ПЎЛАТ ОҚИМИ

ИНДУСТРИЯ НЕГИЗИ

«Бекобод заводида пўлат ва прокат ишлаб чиқарувчи қувватлар ривожлантирилсин».

(КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳасидан).

Ўтган йиллар заводимиз ҳаётида ўчмас из қолдирди. Корхонада учта электр печи ва заготовкаларни узлуксиз қуядиган 2 та машина ишга туширилди. Уларнинг бир қанча ёрдамчи хизмат бўлимлари ҳам бор. Металлурглар электр печда 600 минг тоннадан ортиқ пўлат эритдилар. Заводимизда пўлат ишлаб чиқариш икки баравар ошди.

Корхонада капитал маблағларни ўзлаштириш сезиларли даражада ўсди. Ўтган беш йил ичида 125,3 миллион сўмлик қурилиш ишлари бажарилди. Йилига 5 минг тонна сирланган идиш-товоқлар ишлаб чиқарувчи корхонанинг иккинчи навбати фойдаланишга топширилди. Металлургларнинг учун 52,8 минг квадрат метр турар жой бунёд этилди.

Кейинги йилларда заводимизда кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришга бўлган эътибор янада кучайди. Умуман завод бўйича планга қўшимча равишда 475 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Ана шу факт ва рақамлар замирида завод коммунистларининг, барча меҳнаткашларининг партия XXV съезди қарорларини амалга ошириш борасида олиб борган изчил ва аниқ мақсадга йўналтирилган ишлари етипти. Партия ташкилоти металлургларга олдига қўйилган вазифалар муваффақиятли ҳал этилиши учун оммавий-сиёсий, ташкилий-тарбиявий иш формаларини тинмай такомиллаштириб борди. Барча цехлар, ишлаб чиқариш участкаларида социалистик мусобақа кенг қулоч ёйди, илғор тажриба оммалашди.

Кейинги йилларда корхонада амалга оширилган 43 та ташкилий-техникавий тадбир 1232 минг сўмлик иқтисодий самара берди. Новаторлар янги технологияни ўзлаштиришда, электр печларни ишга туширишда, ишлаб чиқаришни бошқаришни такомиллаштиришда ташаббус билан фаолият кўрсатдилар. Металлургларимиз ишлаб чиқаришга жорий этган 517 та рационализаторлик таклифи ва 3 та ихтиро 703 минг сўмлик иқтисодий самара берганлиги биз учун қувончлидир.

Заводда социалистик мусобақа муттасил такомиллаштириб борилмоқда. Ўтган йилнинг июль ойидан бери магнитогорсклик металлургларнинг ишлаб чиқаришни бошқариш борасидаги тажрибалари жорий этилмоқда. Ҳозир асосий цехлар ўртасидаги социалистик мусобақага ҳар куни якун ясаш йўлга қўйилган. Мусобақа ғолиблари шарафига корхонанинг 3 та жойида Қизил байроқ кўтарилади.

Ишлаб чиқариш илғорларини рағбатлантиришнинг бу формаси яхши самара бермоқда. Металлургларнинг план ва мажбуриятларни ошириб бажариш, партия белгилаган режаларни муваффақиятли ҳал қилишга муносиб ҳисса қўшиш йўлида ғайрат-шижоат кўрсатиб меҳнат қилишмоқда. Улар орасида беш йиллик планни муддатидан илгари бажарган ишчиларимиздан М. Маматқулов, П. Ремизов ва бошқалар бор.

Завод партия ташкилоти корхона меҳнаткашлари олдида турган вазифаларни бажаришда дуч келинаётган қийинчиликларни бартараф этиш, аввалги йилларда йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни тугатишга алоҳида аҳамият бермоқда. Партия комитетининг сайёр мажлисларида бир неча марта меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, меҳнаткашларнинг дам олишини ташкил этиш ва бошқа масалалар муҳокама қилинди. Коммунистлар билдирган таклиф ва истаклар умумлаштирилиб, уларни амалга ошириш тадбирлари ишлаб чиқилди.

Ўтган йилдан бошлаб ҳар ойда идеологик йиғилишлар ўтказиб туриш одат тусига кириб қолди. Йиғилишларда цех бошлиқлари меҳнат коллективидаги сиёсий-тарбиявий ишлар аҳволи тўғрисида ҳисобот берадилар. Прокат цехи коммунистлари ишчилар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни янада кучайтириш йўли билан меҳнат интизомини бузувчилар сонини қисқартиришга эришдилар. Ўтган йили прогулчилар 1979 йилдагига қараганда олти марта қисқарди, жамоат тартибини бузувчилар ҳам сезиларли даражада камайди. Электр-ремонт цехи, алоқа цехи, ремонт-қурилиш цехининг коммунистлари ҳам бу соҳада яхши ютуқларни қўлга киритишяпти.

Корхонамиз металлургларни ўн биринчи беш йиллиқда янада кўтаринки руҳ билан меҳнат қилмоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳасида заводимизни янада ривожлантириш кўзда тутилган. Ўн биринчи беш йилликда 252 миллион сўмлик капитал маблағни ўзлаштиришимиз лозим. Шундан 129 миллион сўми қурилиш-монтаж ишларига сарф қилинади. Беш йилликнинг дастлабки йилида ҳам тиғиз план асосида ишлаймиз. Маҳсулот реализация қилиш 12,4 процент, пўлат эритиш 15 процент, сирланган идиш-товоқлар ишлаб чиқариш 34,5 миллион сўмликка кўпаяди. Бу вазифалар завод коллективи олган социалистик мажбуриятларда ўз аксини топган.

КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдирган корхона меҳнаткашлари бугунги кунга ёруғ юз билан келдилар. Шубҳа йўқки, мамлакат коммунистларининг олий анжуманига ҳам муносиб совға билан борадилар ва янги беш йилликнинг дастлабки йилини катта ютуқлар билан нишонлайдилар.

М. ЖАМОЛИТДИНОВ,
В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводи партия комитетининг секретари.

ЙЎЛБОШЧИ

Маслак, мақсадимиз
сенда мужассам,
Қудратли партиям,
шонли партиям.
Шаънингга мадҳия
ёзмоқчи бўлсам,
Доим дил шарҳига
шайдир бу қалам.

Ўзингсан йўлбошчи —
буюк раҳнамо,
Халқларни бошлаган
Улуғ сафарга!
Ленинча нурафшон
йўлдан доимо
Бизларни этлолдинг
улкан зафарга!

Сен тинчлик посбони,
байроқдорисан,
Эрксевар элларнинг
сенда нигоҳи,
Сен мазлум халқларнинг
нажоткорисан,
Сен улар наздида —
ҳурлик, баҳт моҳи.

Қўлингда ленинча
мусаффар байроқ,
Изингдан борамиз
бир жону бир тан.
Келажак тағин ҳам
гўзал ва порлоқ,
Гуркираб яшнайди
жонажон Ватан.

Мақсад, маслагимиз
сенда мужассам,
Қудратли партиям,
шонли партиям.
Шаънингга мадҳия
ёзмоқчи бўлсам,
Доим дил шарҳига
шайдир бу қалам.

Абдужаббор МАННОПОВ.

СЎЗ—СЪЕЗД ДЕЛЕГАТЛАРИГА

НУР ТАРАТИБ

Мирпосир ИНОЯТОВ,
Тошкент шаҳар электр электр монтёри, партбюро секретари.

ПОЙТАХТ меҳнаткашлари хонадонларига, завод ва фабрикаларга, ташкилот, муассаса, билим юртларига электр нурини таратишдек масъулиятли вазифа бизнинг корхонамиз коллективи зиммасига юкланган. Айтиш керакки, бу вазифани коллективимиз муваффақиятли уддаламоқда.

Корхона ишчи ва хизматчилари учун, айниқса, ўнинчи беш йиллик унутилмас бўлди. Электр тармоқларини ремонт ва эксплуатация қилишда сезиларли даражада олға қадам ташлайди. Кўплаб янги линиялар ўтказилди.

Ўнинчи беш йилликнинг сўнгги йилида ҳам электр тармоқлари корхонаси энергетиклари КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақани қизитиб, катта ютуқларни қўлга киритдилар. Мусобақани кенг қулоч ёйдиришда, илғор тажрибаларни оммалаштиришда коммунистлар катта ҳисса қўшдилар. Натижада 27 киши В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигигача беш йиллик планни бажариб, Ленин фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди. Ҳозир ойлик планларни 110—120 процент бажараяпмиз.

Ўзбекистон коммунистларининг бугунги анжуманида ютуқларни таҳлил қилиб, ўзаро тажриба ҳам алмашамиз, ҳали бажарилмаган ишлар, ҳал этилмаган масалалар тўғрисида фикрлашамиз. Шубҳа йўқки, съезд ҳаммамиз учун ишчанлик мактаби бўлиб қолади.

Софья ВОЖИНСКАЯ,
«Ўзбекхиммаш» заводи қозон пайвандлаш цехининг кранчиси.

Коллективимиз ишлаб чиқараётган кўплаб химия машинасозлиги маҳсулотларини кўриб қувонасан киши. Бу техника бугун-эртага юзлаб ишчиларнинг оғир қўл меҳнатини енгиллаштиради, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширади. Кранчилар корхона ютуқларида ўзларининг муносиб ҳиссалари борлигидан фахрланадилар.

Биргина қозон пайвандлаш цехида 30 дан зиёд кранчи меҳнат қилади. Ишлаб чиқариш конвейер усулида олиб борилиши сабабли кичик деталдан тортиб йирик химия аппаратларигача — ҳаммасини бир участкадан иккинчисига кўчириб туришга тўғри келади. Шунинг учун иш жараёни бир меъёрда боришини таъминлаш бизлардан юксак маҳорат талаб қилади.

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳасини ўрганиб, коллективимиз аъзолари янада зўр ғайрат билан ишга киришдилар. Лойиҳада келгуси йилларда халқимиз турмуш фаровонлигини янада яхшилаш ишига алоҳида эътибор берилган. Бу эса партия ва ҳукуматимизнинг оталарча ғамхўрлигининг ёрқин намунасидир. Шунинг учун ҳар биримиз бу ғамхўрликка ўзимизнинг зарбдор меҳнатимиз билан жавоб беришни шарафли бурч деб билдик.

Машинасозларимиз ўз имкониятларини қайта кўриб чиқдилар, ишга солинмаган янги резервлар излаб топилди. Меҳнат унумдорлигини оширишнинг конкрет тадбирлари белгиланди. Ана шу омиллар ҳисобига йил охиригача пландан ташқари 200 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга қарор қилдик. КПСС XXVI съезди арафасида эса коллективимиз икки ойлик топшириққа қўшимча равишда 50 минг сўмлик турли техника воситаларини тайёрлаб бердилар.

Қўшимча 200 минг сўмлик

СЪЕЗДДАН—СЪЕЗДГАЧА

● Ўнинчи беш йиллик мобайнида жонажон республикамиз хўжалик ва маданий қурилишнинг барча йўналишларида катта қадамлар ташлади. 1976 — 1980 йиллар мобайнида республикамизнинг ҳамма ижтимоий маҳсулоти 7,7 миллиард сўмга кўпайди, миллий даромад эса 29 процент ўсиб, 3,6 миллиард сўмликка ортди.

● Ижтимоий истеъмол фондлари 36,8 процент кўпайиб, қариб 5 миллиард сўмликни ташкил этди. Аҳоли жон бошига даромадлар пландаги 13,6 процент ўрнига 17 процент кўпайди.

● Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари пахта тайёрлаш бўйича беш йиллик топшириғини анча ошириб адо этдилар. Беш йил мобайнида 28,5 миллион тонна «оқ олтин» армуғон этилди. Бу тўққизинчи беш йиллиқдаги кўрсаткичдан 4 миллион тонна кўпдир. Биргина 1980 йилда давлат тайёрлов пунктларига 6 миллион 237 минг тонна, шу жумладан 357,8 минг тонна энг қимматли нигичка толали пахта етказиб берилди.

● Бугунги кунда республикада 4 миллиондан ортиқ киши ёки барча ишлаётганларнинг 93,5 проценти социалистик мусобақанинг у ёки бу формасига жалб этилган.

● Ҳавзаларда балиқ хўжалигини ривожлантириш озиқ-овқат саноат программасининг таркибий қисми бўлиб қолди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон сунъий ҳавзаларида ҳар йили 143 минг центнердан кўпроқ балиқ етиштирилмоқда.

● Беш йиллик планга қўшимча равишда 1,5 миллиард сўмликдан кўпроқ турли саноат маҳсулотлари реализация қилинди.

● Съезддан-съездгача бўлган давр мобайнида республикамизда катта қурилиш ишлари бажарилди. Чирчиқда капролактам ишлаб чиқариш комплекси, Бекободда электр ёрдамида пўлат эритиш печлари, Сирдарё ГРЭСининг 9, Навоий ГРЭСининг 11-энергоблоклари, Тошкент метрополитенининг биринчи линияси иккинчи навбати ва бошқа объектлар фойдаланишга топширилди.

● 2 миллион 572 минг киши коммунистик меҳнат зарбдори номини олиш учун курашмоқда, 885 минг киши ҳозироқ бу номга сазовор бўлган.

БОСМАДАН ЧИҚДИ

ЎЗБЕКИСТОН ЎНИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИКДА

Ўзбекистон Компартияси XX съезди арафасида «Ўзбекистон ўнинчи беш йиллик (1976—1980) йилларида» статистик тўплами босмадан чиқди. Китобда республикамизнинг сўнгги беш йил ичида, Ўзбекистон Компартиясининг XIX съездидан XX съездигача бўлган даврда иқтисодий ва социал ривожланишига оид статистик маълумотлар берилган. Тўплам Қорақалпоғистон АССР, областлар ҳамда Тошкент шаҳрининг ўнинчи беш йиллик йилларидаги тараққиёт кўрсаткичларини ўз ичига олади.

Республика Марказий Статистика Бошқармаси маълумотлари асосида тайёрланган бу китоб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётида чоп этилди.

ЎЗИНГСАН ЗАФАРГА, БАХТГА РАҲНАМО

РЕСПУБЛИКАМИЗ коммунистлари, барча меҳнаткашлари КПССнинг XXVI съездини экономика, фан ва маданият, халқ турмуши фаровонлигини оширишнинг барча жабҳаларида ажойиб муваффақиятлар билан кутиб олмоқдалар.

Республика меҳнаткашлари КПСС XXV съезди тарихий қарорларини амалга ошира бориб, ўтган беш йиллик мобайнида экономика жиҳатидан янада янги ва муҳим марраларни қўлга киритдилар. Жумладан, миллий даромад 3,6 миллиард сўмликка, ёки 29 процент кўпайди. Шу даврда ижтимоий истеъмол фонди 36,8 процент ўсиб, қариб 5 миллиард сўмликни ташкил этди. Саноат ишлаб чиқаришнинг ялпи ҳажми 1,3 баравар, маҳсулот реализация қилиш ҳажми 27,4 процент ошди. Плондан ташқари бир ярим миллиард сўмликдан ортиқ хилма-хил маҳсулотлар истеъмолчиларга етказиб берилди.

Ўтган беш йиллликнинг яна бир муҳим жиҳати шундан иборат бўлдики, республикамизда фан ва техника тараққиётининг талаблари тўла ҳисобга олинган, янги хил техника ва технология билан жиҳозланган кўпгина қудратли корхоналар ҳамда ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди. Мавжуд шаҳарлар ва обод қишлоқлар ёнига янги замонавий типда қурилган шаҳарлар ва посёлкалар, колхоз ва совхозларнинг марказлари вужудга келтирилди.

Ўзбекистон Компартияси ўтган йиллар мобайнида КПСС аграр сиёсатини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг доно кўрсатмаларини амалга ошира бориб, ўлкамиз қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтириш, уни интенсив равишда, илғор фан ва тажриба асосида, комплекс механизациялаш негизида, мелиорация ва комплекс механизациянга кенг қўлланилган ҳолда тараққий эттириш масалаларига катта эътибор берди. Янги ерларни тез сўғориш билан ўзлаштириш, мавжуд ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида кўпгина тадбирлар амалга оширилди, деҳқончилик маданияти ўсди, қишлоқ хўжалиги экинларининг унумдорлиги муттасил ошиб борди.

Айниқса, олтин қўлли пахтакорларимиз Ўзбекистон меҳнаткашларининг бунёдкорлик кураши солномасига чинакам олтин саҳифаларни битдилар. Ўтган беш йил мобайнида белгиланганидан анча кўп миқдорда, жами 28,5 миллион тонна «оқ олтин» етиштирилди. Жумладан, 1980 йилда 6 миллионлик марра эгалланди, жами ҳосил 6 миллион 237 минг тоннадан ошиб кетди. Пойтахт области ўнинчи беш йиллик мобайнида ҳар йили ўрта ҳисобда 454 минг тоннадан «оқ олтин» етиштирди, ўтган йилги рекорд ҳосил — 484,5 минг тонналик улкан хирмон яратилганлиги, унинг 85 процентдан кўпроғи «зангори кема»лар билан териб олинганлиги область деҳқонларининг республика XX съездига ҳамда КПССнинг XXVI съездига муносиб совғалари бўлди.

Республикамиз Компартияси кейинги йиллар мобайнида капитал қурилишни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб келмоқда. Натижада қурувчилар ўртасида «Барвақт қурамиз — барвақт ўзлаштирамиз» шиори остида социалистик мусобақа кенг қулоч ёйди, злобинча бригада пудрати усулида иқтисодий қурилиш коллективларининг сони кўпайди, қурилишни материаллар, янги техника билан таъминлаш ишлари анча яхшиланди. Натижада, ўтган беш йилликда Ўзбекистонда юзга яқин саноат корхонаси ва ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди, мавжуд корхоналарнинг ўнлаб филиаллари вужудга келтирилди. Биргина Тошкент областининг ўзида 6 миллиард 728 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди, 5,4 миллиард сўмликдан кўпроқ асосий фондлар фойдаланишга топширилди. Бу — тўққизинчи беш йилликдагига нисбатан 34 процент кўп, демакдир.

Ўнинчи беш йиллик мобайнида турмуш фаровонлигини оширишнинг энг муҳим омилларидан бири бўлмиш уй-жой билан таъминлаш масаласини муваффақиятли ҳал этиш учун жуда катта ишлар амалга оширилди. Салкам 27 миллион квадрат метрдан кўпроқ турар-жой, юзлаб мактаблар, болалар муассасалари, шифохоналар, ўнлаб маданий-маиший комплекслар ишга туширилди. Жумладан, Тошкент областининг ўзида 5,2 миллион квадрат метрга яқин турар-жойлар бунёд этилди. 114 минг ўқувчи ўринга эга бўлган мактаблар қурилди ва ҳоказо.

Республика ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва зиёлиларнинг коммунистлар раҳбарлигида қўлга киритган ана шундай ажойиб муваффақиятлари, фидокорона меҳнатлари, Ўзбекистон Коммунистик партиясининг сиёсий ва ташкилотчилик фаолияти КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг юксак баҳосига сазовор бўлиб келмоқда. Ўнинчи беш йилликда республикамиз ҳар йили КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва БЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқларига сазовор бўлди. Республикамиз учинчи бор юксак мукофот — Ленин ордени билан тақдирланди.

Ўнинчи беш йиллик мобайнида экономика ва социал тараққиёт, фан ва маданият соҳасида эришилган ана шу муваффақиятлар ўн биринчи беш йилликнинг янги марраларини эгаллаш учун мустаҳкам замин бўлади.

Мамлакатимизнинг янги истиқбол уфқлари КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил октябрь Пленуми қарорларида, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Плейумда сўзлаган нутқида баён этилган жуда муҳим қонда ва хулосаларда, партия Марказий Комитетининг КПСС навбатдаги XXVI съездига лойиҳасида аниқ равшан кўрсатиб берилди. Эндиликда барча совет кишилари қатори республикамиз меҳнаткашлари ҳам мазкур лойиҳани кенг муҳокама қилиб, янги беш йиллик марраларини ишлаб чиқмоқдалар.

Ана шу муҳим партиявий ҳужжатда айтилганидек, келтуси ўн йиллик коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишда, ижтимоий муносабатларни ривожлантиришда, янги инсонни камол топтиришда янги катта босқич бўлади. Шу даврда етук социализм жамиятининг имкониятлари ва афзалликларидан янада тўлароқ фойдаланишни таъминлаш, унинг моддий ва маънавий бойликларини ишлаб чиқариш ва илмий-техникавий потенциалини анча кўтариш лозим бўлади.

Жумладан, республикамизда экономика ва маданият, халқ фаровонлигини ошириш борасида катта ишлар амалга оширилади. Масалан, янги беш йилликда саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 28—31 процент ўсишини таъминлаш лозим. Капитал маблағ сарфлаш ўнинчи беш йилликдагига нисбатан 22—25 процент кўп бўлиши Асосий йўналишлар лойиҳасида белгиланган.

Масаланинг яна бир муҳим томони шундан иборатки, шу йилдан бошлаб барча қурилиш ташкилотлари хўжалик юритишнинг янгича иш формасига ўтказилади, уларнинг фаолияти қурибитказилган объектларга қараб планлаштирилади ва баҳоланади.

Янги беш йилликда ва ундан кейин ҳам республикамиз СССРнинг асосий пахта базаси бўлиб қолаверади, йилига 5,9 миллион тоннадан пахта етиштириш мўлжалланади, бунинг учун Қарши ва Жиззах чўлларини ўзлаштириш давом эттирилади.

Ўзбекистон Компартияси партия XXV съездининг кўрсатмаларини, КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорини амалга ошира бориб, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, тарбиянинг ҳамма жиҳатларига комплекс равишда ёндошиш, кишиларда коммунистик эътиқодни шакллантириш масалаларига катта эътибор бериб келмоқда. Меҳнаткашларнинг қонуний-назарий савиясини янада ошириш учун тинмай ғамхўрлик қилмоқда. Биргина пойтахт областининг ўзида ҳозирда 200 мингдан ортиқ киши сиёсий маорифнинг ҳамма формаларига жалб қилинган.

КПСС XXV съездидан кейинги даврда республикада партия сафлари илғор ишчилар, новаторлар, ишлаб чиқариш зарбдорлари, миришкор деҳқонлар, механизаторлар, қўли гул қурувчилар, етук зиёлилар ҳисобига ўсиб борди. Жумладан, Тошкент область партия ташкилоти беш йил ичида 20 минг кишига кўпайди. Областдаги 155 минг КПСС аъзоси ва 7 минг аъзоликка кандидат экономика ва маданиятнинг турли жабҳаларида фидокорона меҳнат қилиб, ҳаммага намуна бўлмоқда.

Ўзбекистон коммунистлари ўзларининг XX съездларига, КПСС XXVI съездига КПСС Марказий Комитети, Улуғ Октябрь ишининг, Ленин ишининг муносиб давомчиси, ҳақиқий тинчлик ва ҳавфсизлик учун атоқли курашчи ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси теварагига маҳкам жипслашган ҳолда бормоқдалар.

КПССнинг жанговар отряди бўлган Ўзбекистон Компартияси республика меҳнаткашларини янги зафарлар сари дадил олға бошлаб бормоқда.

А. ҲАМИДХЎЖАЕВ,
профессор.

КПССНИНГ ЖАНГОВАР ОТРЯДИ

ДЕЛЕГАТЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Шакар опа тайёр бўлиб турган эди. Машинанинг қисқагина сигналини эшитди-ю, дарров пальтосини кийиб кўчага отилди. Атроф зим-зиё. Ҳали биринчи хўроз ҳам қичқиргани йўқ. Фақат тонг юлдузларигина милтиллаб кўкка зиё таратиб турибди.

Ийл-йўлакай машинага яна 3—4 сут соғувчи чиқди. Шакар опанинг баҳри тўлгандек бўлди. Фермагача бирга ҳангомалашиб кетишди.

Ҳар тонг шундай бошланади. Соғувчилар ҳозир борибоқ ишга тушиб кетишади. Ҳар бирида 20—25 бошдан сигир бор. Уларнинг охирига озуқасини солиб, елинига аппаратларни улашади. Шу тариқа биринчи соғим бошланади. Пешинда иккинчи, кечқурун эса учинчи марта соғилади.

Шакар опа кечагида бир кунда соғиб олган сутини ҳисоблаб қараса, 237 килограммдан ошибди. Йилнинг дастлабки кунларида эса 180 килограммдан ошмаган эди. Ҳаммаси парваришда қолган экан. Сигирнинг сути тилида, деб бежиз айтишмайди ўзи.

Қизил бурчакка кираверишдаги стендда сут соғувчиларнинг кундалик кўрсаткичи осиб қўйилган. Цех партия ташкилоти секретари Иброҳим ака Оқмирзаев рақамларни ҳар куни янгилаб боради. Шакар опанинг кечаги кун кўрсаткичини ёзди-ю, кейин ўзи ҳам бу аёлнинг ишчанлигига, ғайрат-шижоатига яна бир карра қойил қолди.

Шакар опани фермага Иброҳим аканинг ўзи таклиф этган эди. Ўшанга ҳам ҳозир чорак асрдан ошиб қолибди. Улар ён қўшни эдилар. Бир куни Иброҳим ака нимандир сўраб Шакар опанинг уйига чиқиб қолди. Шакар опа қайнонаси, тўртта фарзандини ёнига олиб тушлик қилиб ўтиришганди. Ўшанда умр йўлдошининг йили янгигина ўтган эди.

— Энди уйда ўтиравермang,— деди Иброҳим ака Шакар опага.— Одамнинг тафтини одам олади деган гап бор. Фермамиз кенгайяпти, зотдор сигирлар олямиз. Фермага ишга киринг. Ўртоғимнинг дардида кўп куюнманг. Умри қисқа экан одамдан бевақт ўтиб кетди. Энди болаларни ўйланг. Ҳа демай, улар ёнингизга қириб қолишади.

Шакар опанинг ўзи ҳам уйда ўтиравериб, анча сиқилиб қолган эди. Йўқ демади, ҳар ҳолда иш билан одам овунади, ғам-ташвишни унутади. Шу-шу Шакар опа фермага боғланиб қолди. Кейин қизлари Шоҳида, Нафиса, Ёдгорхон унинг ёнига киришди. Она-болалар бир бўлишиб, ферманинг довруғини оширишди.

— Қизларингизга соғувчилик ҳунарини ўргатиб яхши қилдингиз,— деди бир куни Иброҳим ака Шакар опага. — Яна 3—4 қиз мактабни тамомлаб келяпти. Уларга ҳам иш ўргатасиз, мураббийлик қиласиз. Бу сизга партиявий топшириқ.

— Жоним билан,— деди Шакар опа.— Ёшлар соғувчилик ҳунарига ўргатинг, дейишади-ю, биз йўқ деймизми. Қиз болага бу яхши ҳунар. Улар бизга муносиб ўринбосарлар бўлиб етишишсин.

Ўша куни Заҳро Нажмиддинова, Мансура Қодирова, Дилбар Муҳиддинова оцага шогирд тушишди.

— Сигирларга энг аввало парвариш керак,— дея маслаҳат берар эди Шакар опа қизларга.— Овқатидан, сувидан ўзинглар кўз-қулоқ бўлиб туринглар. Соғиш олдидан иссиқ сув билан елинини яхшилаб ювинглар, ийдиринглар. Аппаратларни ўрнатиш олдидан эса бидонларни тахт қилиб қўйинглар. Энг муҳими сигирларнинг қисир қолишига йўл қўймanглар. Олдинма-кейин бузоқлайверсин. Шунда сут соғиб олишда узилиш бўлмайди.

Шогирдлар устознинг сўзларини дилга жо қилиб олишди. Улар Шакар опанинг тажрибасига амал қилиб, ҳар бир сигирдан йил сайин 4500 килограммга етказиб сут соғиб олмоқдалар. Лекин барибир устозга етиб олишлари қийин бўляпти. Байроқ ҳамон Шакар опанинг қўлида. У ҳар бир сигирдан ўтган йили 5076 килограммдан сут соғиб олди. Бу 1979 йилдаги кўрсаткичга нисбатан ҳар бир сигир бошига 26 килограмм кўпдир.

Кечагида фермада йил якунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Илғор сут соғувчи Шакар Примова сўз олиб, бу йил ҳар бош сигирдан 5200 килограммдан сут соғиб олишга ваъда берди.

Шакар опанинг ўзи одати шунақа. Ҳар йили бир ташаббусни бошлаб қўяди. Ўтган йили у беш минг килограммчилар ҳаракатини бошлаган эди. Йил охирида сўзининг устидан чиқди. Бошқалар ҳам унга эргашиб, кам бўлишмади. Мана энди илғор соғувчи яна ҳам юксакроқ маррани кўзлаяпти. Бу маррани эгаллашга ҳам кўзи етади. Боқимидаги 25 бош сигирнинг ҳаммаси тўла сутга кирган. Боқуви, парвариши яхши. Озуқа цехи ҳозир тинимсиз ишлаяпти. Моллар рациондаги озуқани еб туриби. Шу боисдан ҳам ҳозир қиш бўлишига қарамай, кунлик сут соғиб олиш ошса ошаяпти, камаймаяпти.

Бу йил соғувчилар Шакар опага тенгташишга интилиб, ҳар бош сигирдан ўртача 4800 килограммдан, ферма бўйича жами 1056 тонна сут соғиб олишга қарор қилишган. Соғувчилар мусобақасига ҳар куни якун ясаб бориляпти. Илғорлар шарафига Қизил байроқ кўтариляпти, улар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириляпти. Ўзбекистон Компартияси XX съезди делегати, район Советининг депутати Шакар Примова бу мусобақанинг ҳамон пешқадамидир. У тонг юлдузидек теварак-атрофга ташаббус нурини таратиб турибди.

Ж. НОСИРОВ,
Калинин районидаги Калинин номли колхоз.

ЁРҚИН ИСТИҚБОЛ

Халқимизда эл соғлиги — юрт бойлиги, деган нақл бор. Меҳнаткашлар саломатлигини муҳофаза этиш, уларнинг унумли меҳнат қилишлари, маданий хордиқ чиқаришлари йўлида шаҳримизда барча зарур чоралар кўрилмоқда. Ўтган йилнинг кузида бир йўла тўртта даволаш муассасаси очилди. «Ўзбекшахтострой» трестига қарашли профилакторий-санаторийнинг спорт соғломлаштириш комплекси, шаҳар шифохонасининг янги корпуси, 340 ўринли юқумли касалликлар шифохонаси ва болалар поликлиникаси хизмат кўрсата бошлади. Бугунги кунда шаҳримизда ҳар ўн минг аҳолига 144 койкали ўринлар тўғри келади. Бу мамлакатимиздаги ўртача кўрсаткичдан анчагина юқоридир.

Ўн биринчи беш йилликда ҳам аҳолига медицина хизмати кўрсатишни яхшилаш юзасидан улкан программа белгилаганмиз. 300 койкали кўп профилли болалар касалхонаси, шахтёрлар ва «Резинотехника» заводининг меҳнаткашлари учун санаторий-профилакторийлар, туғруқхона, «Ўзбекшахтострой» трести поликлиникаси қурилишлари жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Болалар кардиоревматологик санаторийси, марказий лабораторияни фойдаланишга топшириш учун тайёргарлик кўрмоқдамиз.

Шаҳримизда соғлиқни сақлаш тараққиёти ҳақида шунчаки батафсил тўхталмадим. Архитектура комплексининг бир қисми бўлган бу медицина муассасаларининг кўпчилиги сайловчиларнинг депутатларимизга берган наказлари туфайли амалга оширилди. Халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилаётган коммунист депутатларимиз ишлаб чиқаришда бошқаларга намуна бўлиш билан бирга ижтимоий ҳаётда ҳам фаол иштирок этмоқдалар.

Халқ вакилларининг КПСС XXVI съездини кутиб олиш юзасидан бошлаган ташаббуслари ва қўлга киритаётган ютуқлари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш зарур, деб ўйлайман. Шаҳар ижроия комитетининг кенгашларидан бирида партиямизнинг улкан анжуманига ҳозирлик кўриш юзасидан комплекс тадбирлар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Уларнинг амалга оширилиши қувончли самаралар берди — ўнинчи беш йиллик топшириқлари муваффақиятли бажарилди. Саноат маҳсулотларини реализация қилиш 103,4 процентга адо этилди. Беш йиллик давомида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1975 йилдаги 175,6 миллиондан 1980 йилда 217,1 миллион сўмликка ўсди. Плондан ташқари 12,1 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

КПСС Марказий Комитетининг партия съездига лойиҳаси шаҳримиз меҳнаткашларининг ғайратини янада жўш урдириб юборди. Маҳсулот реализация қилиш беш йиллик плани барвақт бажарилди. Ўтган йилги социалистик мажбуриятлар эса 21 декабрда бажарилди.

Саноат корхоналари, турар-жой ва социал маданий қурилишлар кўламини кенгайтириш, шаҳримизнинг замонавий архитектура ансамблини бунёд этиш соҳасида кўпгина ишлар қилинди. Шу мақсадларда ўтган беш йилликда 183 миллион сўмликдан знёд қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. 219,3 миллион сўмлик ишлаб чиқариш қувватлари, 268 минг квадрат метр турар-жой бинолари фойдаланишга топширилди.

Шаҳар Советининг депутатлари, керамика комбинати плита цехининг ишчиси Л. Н. Апаликова, Ангрен кўмир разрезининг экскаваторчилар бригадаси бошлиғи Б. Фадеев, шаҳар қурилиш бошқармасининг комплекс бригадаси бошлиғи М. Насруллаев, «Юность» ателъеси тикувчи-мотористкаси З. Полулях ва 7-автобаза шофёри М. Мирзаевлар съезд шарафига оширилган социалистик мажбуриятлар олиб, ажойиб ташаббус бошладилар. Ангренлик барча меҳнаткашлар ҳозир улар изидан бормоқдалар. «Средазуголь» ишлаб чиқариш бирлашмаси автобазасининг шофёри, депутат А. Чумаков халқ хўжалиги юкларини ташиш ўнинчи беш йиллик планини 254 процент адо этди. «Ўзбекшахтострой» трестининг шаҳар Совети депутати А. Аннамуродов бошчилик қилаётган гишт терувчилар бригадаси ҳозирги кунда 1982 йилнинг июнь ойи ҳисобига меҳнат қилмоқда. Тикувчилик фабрикасининг ишчиси, депутат Г. Патрушева беш йиллик планини 127 процентга бажариб, съезд иш бошлайдиган кунгача 1981 йилнинг биринчи квартали планини бажаришга сўз берди.

Капитал маблағлар самарадорлигини ошириш, янги-янги ишлаб чиқариш қувватлари, турар-жой ва маданий-маиший объектларни фойдаланишга топшириш, қурилишлар сифатини ошириш масалалари ижроия комитети кенгашлари ва Советларнинг сессияларида муntазам муҳокама қилинмоқда.

Партия-ҳукуматимиз белгилаб берган социал тараққиёт ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш программаси ҳаётга нақадар изчиллик билан тадбиқ этилаётганлигини шаҳримиз мисолида яққол кўриб турибмиз. Ўнинчи беш йиллик йилларида давомида ҳар бир аигренликнинг реал даромади 42 процентга кўпайди ва 1980 йилда 1208 сўмни ташкил этди. Савдо, коммуналмаиший ва бошқа турдаги хизмат шохобчалари фаолияти тубдан яхшиланди. Корхона ва ташкилотларнинг ҳамда аҳолининг маблағлари эвазига 2755 минг сўмлик ободонлаштириш ишлари бажарилди. Ленин ва Чикризов проспектлари, Ленинград кўпаси реконструкция қилинди. Шаҳарни иссиқлик билан таъминлаш схемаси тасдиқланди.

Яқин кунларда шаҳарни сув билан таъминлаш проблемаси тўла ҳал этилади. Кўп километрлик водопровод ва сув қурилмалари қурилиши 1982 йилда тугалланади.

Ҳамшаҳарларимиз истиқбол сари бормоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг лойиҳасида тилга олинган янги Ангрен ГРЭСи қурилиши суръати келгусида янада ортади. Нуробод деб номланган энергетиклар шаҳарчасида 88 минг квадрат метр турар-жой, 640 ўринли иккита болалар боғчаси, 2352 ўқувчи-ўринли мактаблар фойдаланишга топширилади. Энергетиклар клуби, кинотеатр қурилади, кўплаб аҳоли истиқомат қиладиган кўркам марказ бунёд этилади...

«СССР Конституциясига мувофиқ кенг ҳуқуқларга эга бўлган халқ депутатлари Советлари партия белгилаб берган планларни амалга оширишда масъулиятли роль ўйнайдилар. Миллионларча депутатлар, жуда кўп активлар буюк ижодий куч бўлиб, бу кучдан ҳар томонлама фойдаланиш лозим». Асосий йўналишлар лойиҳасидаги бу сўзлар ангренлик халқ вакиллари зиммасига улкан масъулият юклайди. Улар бу ишончга жавобан бунёдкорлик режаларини тобора дадилроқ амалга оширавередилар.

Ю. ОСТРЯКОВ,
Халқ депутатлари Ангрен шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси.

СЎЗ—СЪЕЗД ДЕЛЕГАТЛАРИГА

ИЗДОШЛАР КЎПАЙСА...

Анастасия ЧУДНАЯ,
Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институти «Красний водопад» экспериментал базасининг сут соғувчиси, СССР Давлат мукофоти лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

БАРЧА ҳамкасбларим қатори мен ҳам республика коммунистларининг бугунги улкан анжуманини меҳнатда янги ютуқларни қўлга киритган ҳолда кутиб олдим. Ўтган йили қарамағимдаги 172 бош сигирнинг ҳар биридан 4850 килограммдан сут соғиб олдим. Бошқача қилиб айтганда ҳар бош сигирнинг маҳсулдорлигини бир йилда 225 килограммга кўпайтирдим.

Умуман, ўнинчи беш йиллик мен учун қувончли бўлди. Тайёрлов пунктига 3163 тонна ўрнига 3950 тонна серқаймоқ сут топширдим.

Янги беш йиллик зиммамизга янги вазифалар юкламоқда. Бу беш йилликда республикамизда сут етиштиришнинг йиллик ўртача ҳажмини 2,5—2,7 миллион тоннага етказиш кўзда тутилган. Бу вазифани шараф билан бажариш учун молбоқардан тортиб сут соғувчигача — ҳамма ижодий изланиши, бор резерварни ишга солиши керак.

Улкан вазифаларни чуқур ҳис этган ҳолда мен боқимидаги ҳар бош сигирдан соғиб олинадиган сутни йил давомида яна 225 килограммга кўпайтириш, сигирларнинг ҳар биридан камида биттадан соғлом бузоқ олиш мажбуриятини қабул қилдим. Бошқа ҳамкасбларим ҳам сут етиштиришни кўпайтириш билан бирга ҳар 100 бош сигирдан камида 100 тадан бузоқ олиш учун кураш бошладилар. Бирорта сигир ёки бузоқнинг чиқимга чиқиб кетишига йўл қўймаймиз. Қари сигирлар ўрнини график бўйича энг сермаҳсул ёш сигирлар билан тўлдириб борамиз. Бу соҳадаги бой тажрибамни республикамизнинг барча районларидан келаётган машинада сут соғувчи ёшларга ўргатаман.

Янги йилнинг биринчи йили муваффақиятли бошланди. Барча сут соғувчилар дастлабки ойлик топшириқни ортиғи билан бажардилар. Эндиликда бутун куч партиямиз XXVI съездини муносиб кутиб олишга қаратилмоқда.

ОЛМАЛИҚ химия заводининг кўплаб ишлаб чиқариш илғорлари Ўзбекистон Компартияси XX съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олдилар. Айниқса, КПСС XXVI съезди делегати К. Маматқулов мусобақада пешқадамлик қилди. У норматни доим ортиғи билан бажарди. Ушбу суратда аппаратчи Карамали Маматқуловни (чапда) ўз касбдошлари бўлган пешқадам ишчилар Галимжон Ахтямов ва Николай Третьяковлар билан ўзаро суҳбат вақтида кўриб турибсиз.

В. Сироткин фотоси.

СЎЗ—СЪЕЗД ДЕЛЕГАТЛАРИГА

Меҳнат қилган элда азиз

Назира АЛИМБОЕВА,
Пискент районидаги Тельман номли колхоз бригада бошлиғи

Ватанимизда ҳалол меҳнат қилган, жамият бахт-саодати йўлида тер тўккан ҳар бир киши эъзозланади, обрў-эътибор қозонади. Барча қатори мен ҳам бахтимни меҳнатдан топганман. Хизматларимга яраша муносиб тақдирланганман. 1976 йилда КПСС XXV съезднда иштирок этиш шарафига муяссар бўлганман.

Бугунги кунда комил ишонч билан айтиш мумкинки, КПСС XXV съезди белгилаган барча режалар тўла амалга оширилмоқда. Халқ хўжалигини ривожлантириш, меҳнаткашлар турмуш фаровонлигини ошириш бўйича жуда катта ютуқлар қўлга киритилянти.

Бизнинг районимиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Ўтган беш йилликда районимизда ялпи пахта ҳосили 36 минг 782 тоннадан 51 минг 920 тоннага етди. Ҳосилдорлик қариб 10 центнер ошди. Аввалги беш йиллик-ка нисбатан 25 минг 320 тонна «оқ олтин» кўп тайёрланди.

Бизнинг Тельман номли колхоз эришган ютуқлар ҳам қувончлидир. Хўжалигимизда «оқ олтин» хирмони 2340 тоннадан 3949 тоннага етди, ҳосилдорлик қариб 16 центнер ошди.

Ўзбекистон коммунистларининг бугунги анжуманини бригадамиз пахтакорлари ҳам катта ютуқлар билан кутиб олдилар. Ўтган йили 55 гектар ернинг ҳар гектаридан 39 центнердан «оқ олтин» топширган бўлсак, бу йил 45 центнерлик маррани кўзлаб меҳнат қиляпмиз. Ҳозир барча техника ремонтдан чиқарилиб, экишга тахт қилиб қўйилди.

Ариқ-зовурларни тозалаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Ер текислаш, далага маҳаллий ўғит чиқариш жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Янги беш йиллик баҳорини ҳаммамиз орзиқиб кутаяпмиз.

СОВЕТ—БОЛГАР ДЎСТЛИГИ МУСТАҲКАМЛАНАВЕРСИН

КЕЧА Совет — Болгар дўстлиги жамияти Ўзбекистон бўлими праваленисининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда Совет — Болгар дўстлиги жамияти Ўзбекистон бўлимининг 1980 йилда амалга оширган ишлари тўғрисидаги ҳисобот муҳокама қилинди. Совет — Болгар жамияти Ўзбекистон бўлими правленисининг раиси, Тошкент область партия комитетининг секретари А. М. Ҳўжаев шу масала юзасидан доклад қилди.

Докладни муҳокама этишда Калинин районидаги «Партия XXI съезди» совхозининг директори Т. Мелибоева, «Ташсельмаш» заводи ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва тайёрлаш бўлимининг бошлиғи С. К. Тожиев, республика кўғирчоқ театрининг бош режиссёри И. Р. Ёқубов, Тошкентдаги Г. Димитров номли 9-ўрта мактаб директори А. Т. Тўраева ва Совет — Болгар дўстлиги жамияти коллектив аъзоларининг бошқа вакиллари қатнашдилар.

Мажлисда Совет — Болгар дўстлиги жамияти Ўзбекистон бўлимининг 1981 йилги иш плани тасдиқланди ҳамда чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамиятининг IV конференциясига делегатлар сайланди.

ДЎСТЛИК ҚАСРИ



Азим Тошкентининг кўркига кўрк қўшиб турган В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройи қайноқ ҳарорат ва қувончлар оғушида. Бугун бу ерда Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди ўз ишини бошлайди.

Саройда Туркистон ҳарбий округининг аълочи курсантларидан иборат фахрий қоровул саф тортган. Гулдасталар ушлаган пионерлар чеҳрасида табассум. Кўксини орден ва медаллар безаб турган, қалбида она-Ватанга, партия ишига садоқат жўш урган съезд делегатларини пионерлик саломи билан кутиб олмоқдалар.

— Тарихий анжуманимизга бу салобатли сарой катта совға бўлди, — дейди съезд делегати, «Ташсельмаш» заводи илғор ишчиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати М. Мўйдинов. — Миллий меъморчилигимизнинг дурдонаси бўлиб қоладиган СССР халқлари дўстлиги саройи шаҳримиз фахридир.

Мармар зиналар бизни асосий вестибюлга олиб чиқади. Улкан биллур қандиллар ҳамма ёқни чароғон қилиб юборган. Уларни чехословакиялик дўстларимиз тақдим этишган. Бу ерда биз бир группа делегатлар билан шодон суҳбат қуриб турган Ўзбекистон ССР маданият министри Ғ. Н. Нажимов билан суҳбатлашдик.

— Съезд арафасида бу кошонага В. И. Ленин номининг берилиши тарихий мазмун бахш этди. Зероки, қасрда доҳий асос солган социалистик жамиятда гуллаб-яшнаётган иттифоқдош республикалар бунёдкорларининг қўли бор, — дейди министр ифтихор билан. Серқуёш Ўзбекистонимизда тез-тез қардош халқларнинг санъати ва адабиёти кунлари, турли анжуманлар ўтказилиши одат тусига кириб қолган. Бу муҳташам бино келгусида ана шу тадбирлар учун ошиён бўлади.

Залга кирамиз. Полларга оловранг поёндозлар тўшалган. Камалак рангдаги юзлаб чироқлар саҳнага йўналтирилган. Саҳна тамомила ёғдуларга чўмилган, байрамона либосда.

Бухоро чеварлари саройга миллий санъатимизнинг намунаси бўлган зар парда ни совға қилишган. Унга «Уроқ ва болға» рамзи, қардош республикаларнинг герблари ипак билан тикилган...

Дўстлик қасрининг коммунистик бунёдкорлик режалари билан йўғрилган нурли тарижмаи ҳоли бугундан бошланди.

А. НОСИРОВА.

Суратда: В. И. Ленин номли СССР халқлари дўстлиги саройининг ички кўриниши.

А. Абалян фотоси.

Дунё овози

Америка денгиз пиёда қўшинлари Сальвадорда

ГАВАНА, 2 февраль. (ТАСС). Пренса Латина агентлигининг хабар беришича, Фарабундо Марти номидаги миллий-озодлик фронти Мехикода берган баёнотида Американинг «С-130 Геркулес» ҳарбий-транспорт самолётлари ҳар куни Сальвадор территориясида ерга қўниб, хунта учун қурол-яроғ ва ҳарбий техника элтиб бераётганини билдирди.

Миллий-озодлик фронти Сальвадорнинг революцион кучларига қарши ҳарбий ҳаракатларда Американинг денгиз пиёда қўшинлари қатнашаётганини тасдиқловчи гарли далиллар борлигини ҳам маълум қилди. Америка денгиз пиёда қўшинларининг Сальвадорга келганлиги ўтган чоршанба куни аниқланган эди, деб хабар беради Пренса Латина агентлиги. Ушанда ихтисослаштирилган «Командос» отрядлари мамлакатнинг тўртта муҳим аҳоли пунктида тинч аҳолига қарши жабр-зулм қилган эди.

БОЙКОТ ҚИЛИШГА ДАЪВАТ

ҚОҲИРА, 2 февраль. (ТАСС). Мисрнинг бир қанча сиёсат ва жамоат арбоблари Қоҳирада ўтказилаётган халқаро китоб ярмаркасидаги Исроил кўргазмасини бойкот қилишга чақиришди. Улар бу ерда тарқатилган баёнотда Исроилнинг ярмаркада қатнашиши мисрликларнинг бутун эс-ҳушини ўзига бўйсундиришга интилаётган империалистлар билан сионистлар режасининг тарихий қисми эканлигини уқтириб ўтдилар. Ҳужжатда исроиллик босқинчилар Синай ярим оролининг бир қисмини, Иордан дарёсининг ғарбий соҳилини, Ғазо секторини ва Жўрлон тепаликларини ҳали ҳам оккупация қилиб турган бўлишига қарамай муносабатларни «нормаллаштириш» шиори остида Мисрга зўр бериб ўтказилаётган тазйиқ натижасида Тель-Авив ўз кўргазмасини очиш ҳуқуқига эришганлиги ҳам уқтириб ўтилади.

Бойкот қилиш тўғрисидаги баёнотга миллий тараққийпарвар (сўл) партия ва социалистик меҳнат партияси раҳбарлик органларининг, матбуот синдикатининг ва адвокатлар уюшмасининг аъзолари, Мисрдаги бир қанча нашриётларнинг директорлари имзо чекдилар.

БАЙРУТ, 2 февраль. (ТАСС).) Миср маъмурлари Қоҳирада ўтказилаётган халқаро китоб ярмаркаси территориясида Исроил кўргазмасини бойкот қилишга чақирувчи варақаларни тарқатиб юрган икки киши қамоққа олдилар. Бу ерда маълум бўлишича, қамоққа олинганларнинг бири Мисрнинг тараққийпарвар журналисти Саллоҳ ал-Исо ва иккинчиси Мисрдаги демократик эркинликларни ҳимоя қилиш комитетининг котиби Хилми Шаарави экан.

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

● БАСКЕТБОЛ. Эркаклар олий лига вакилларининг саралаш мусобақаларни ниҳоясига етди. «Университет» спортчилари сўнгги турни Ригаининг ВЭФ командаси билан ўтказиб, 82:80 ҳисобида имконини бой бериб қўйдилар. Энди командамиз 7—13 ўринлар учун Рига шаҳрида финал мусобақаларни ўтказишади. Учрашувлар 10 февралдан 16 февралгача давом этади. Ригаининг ВЭФ, Таллиннинг «Калев», Новосибирскнинг «Локомотив», Киевнинг СКА, Минскнинг РТИ, Вильнюснинг «Статиба» командалари «Университет» рақиби бўлишади.

● СТОЛ ТЕННИСИ. Қарағанда шаҳрида стол тенниси бўйича СССР шахсий чемпионати бўлиб ўтди. Унда республикамиз спорт шарафини ҳимоя қилган тошкентлик спорт мастери Флора Булатова кучли ўйнликдан жой олди. Тошкентлик спартакчи Э-ўринга кўтарилди.

● ФУТБОЛ. Европа кубоклари турнирида иштирок этаётган командаларнинг чорак финалдаги рақиблари қуръа ташлаш йўли билан аниқланди. Москванинг «Спартак» футболчилари чемпионлар Кубоги учун ўз майдонида Мадридниинг «Реал» командаси билан учрашадиган бўлди. Тбилисининг «Динамо» командаси эса кубок эгалари Кубоги учун Англияда маҳаллий «Вест Хэм» клуби билан куч синашади. Биринчи ўйин 4 мартда, такрорий учрашув эса 18 мартда бўлиб ўтади.

● БОКС. Индонезия пойтахти Жакарта шаҳрида бокс бўйича «Президент кубоги» учун халқаро мусобақалар бўлаётир. Унда иштирок этаётган 6 совет спортчиси финалга йўлланма олди. Финалчилар орасида республикамиз вакили, истеъдодли «чарм қўлқоп» устаси Владимир Шин ҳам бор.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

БОННИ. ГФРда жамоатчиликнинг гражданлар прогрессив эътиқоди учун таъқиб этилаётганлиги сингари демократияга зид ҳаракатга қарши, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун кураш ҳафталиги ўтмоқда. Ахен, Гисен, Ганновер, Гамбург шаҳарларида ва Ғарбий Германиядаги бошқа шаҳарларда демократик ташкилотлар вакилларининг оммавий намойиш ва митингилари бўлиб ўтди. Намойишларнинг қатнашчилари «радикал унсурлар тўғрисида қарор» деб аталган Машъум қарорни кескин танқид қилдилар. Ана шу «қарор» асосида прогрессив эътиқодли коммунистлар, социал-демократлар, касаба союз активлари, гражданлар таъқиб этилмоқда.

ТЕҲРОН. Теҳрон радиосининг хабар беришича, Эрон президенти А. Банисадр ҳузиётонлик қочоқлар лагерларидан бирида сўзга чиқиб, Эрон ўз эҳтиёжларини таъминлаш учун ўзи запас қисмлар ишлаб чиқарди, деди у. Шу муносабат билан бу ерда президент, афтидан, бу гапларни АҚШ давлат секретари Хейгнинг Вашингтон Эронга ҳатто пули тўлаб қўйилган шартномалар асосида ҳам қурол-яроғ етказиб бермайди, деган сўзларига жавобдир, дедилар.

Маълумки, Эрон имзоланган шартномалар асосида Қўшма Штатларга бир неча миллиард доллар пул тўлаб қўйган. Бироқ, Қўшма Штатлар Эронга қурол-яроғ етказиб беришни тўхтатиб қўйди.

ЛУАНДА. Жанубий Африка Республикасидаги Сискеъ Бантустанидаги африкалик аҳоли фарзандларининг икки ёшдан уч ёшгача бўлган қисмининг ярми доимий очликда яшамоқда. Натижада ана шу Бантустан шаҳарларидаги ҳар ўн боланинг бири ва қишлоқ жойлардаги ҳар олти боладан бири оғир касалликка дучор бўлмоқда. Жанубий Африкадаги Африка миллий конгрессининг «Уикли нюс брифинг» ахборот бюллетени ана шу маълумотларни келтириб, бутун мамлакатда бир ёшгача бўлган африкалик болалар орасида ўлим 20 процентдан ошиб кетганлигини уқтириб ўтади.

НЬЮ-ЙОРК. Индиана штатидаги «Нозерн индиана паблик сервис» энергетика компаниясидаги 4.200 ишчининг қариб 8 ойдан бери давом этаётган забастовкаси ғалаба билан тугади. Меҳнаткашлар узоқ давом этган шиддатли кураш туфайли иш ҳақини оширишга ва меҳнат шароитини яхшилаш тўғрисидаги талаблари қондирилишига эришдилар. Забастовка ташкилотчиларининг маълум қилишича, электрикларнинг ғалабаси штатдаги бошқа корхоналарнинг ишчилари, касаба союз ва жамоат ташкилотлари олиб борган бирдамлик кампанияси натижасида таъминланди.

(ТАСС, 2 февраль).

Редактор Н. НАСИМОВ.

СЎЗ — СЪЕЗД ДЕЛЕГАТЛАРИГА

САНЪАТИМИЗ — ХАЛҚНИКИ

Сора ЭШОНТЎРАЕВА, Ўзбекистон ССР Театр жамияти правлениеси президиумининг раиси, СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати.

Ўтган беш йиллик унутилмас вақеаларга ниҳоятда бой бўлди. Ўзбек совет санъати янги ривожланиш босқичларига кўтарилди. Съезддан съездгача ўтган муддат орасида 2 янги театр, 7 та концерт ташкилоти ташкил этилди. Шундай қилиб, эндиликда республикамизда 28 та профессионал театр, 11 концерт ташкилотида 39 та музика коллективи халқимизнинг маънавий ҳаётини такомиллаштириш йўлида самарали фаолият кўрсатиб келмоқда.

1976—1980 йиллар мобайнида республикамиз театрларида жами 657 та спектакль томошабинлар эътиборига ҳавола қилинди. Бу асарларнинг 348 таси оригинал пьесалар бўлиб, 309 таси иттифоқдош республикалар, рус ва жаҳон классик драматургларининг асарларидир.

Икки съезд оралиғида Ўзбекистон театр коллективлари СССР халқлари драматургияси ва театр санъатининг Бутуниттифоқ фестивалларида жами 47 та спектакль намойиш қилдилар.

Ўтган беш йилдаги ишларимизга назар ташлар эканмиз, айрим театрларнинг Иттифоқ миқёсида қўлга киритган муваффақиятлари кўз ўнгимизда намоён бўлади. Айниқса, Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театри 1977 йили Москвада намойиш қилган К. Яшиннинг «Инқилоб тонги» драмаси республикамиз театр санъати тараққиётида улкан воқеа бўлди. Бу асар учун театрнинг тўққиз санъаткори СССР Давлат мукофоти лауреатлигига сазовор бўлди.

М. Горький номидаги рус давлат академик драма театрининг Ленинград, Харьков, Ростов, Иркутск шаҳарлари бўйлаб гастроллари ҳам маданий ҳаётда сезиларли из қолдирди.

Республикамизнинг барча театрлари ўтган йиллар мобайнида ўз репертуарларини янги асарлар билан бойитиш, санъаткорларнинг маҳоратини ошириб бориш, санъат даргоҳларининг қайноқ ҳаёт билан алоқасини мустаҳкамлаш, ёш истеъдодларнинг изланишларига кенг имконият яратиб бериш борасида янги ютуқларни қўлга киритдилар.

Ўз ижодимга келсак, кейинги йилларда «Инқилоб тонги» драмасидаги Ойхонбиби, «Ғариб»да Она, «Шошма, қуёш»даги Санобар Камолова каби турли характердаги образларда саҳнага чиқдим.

Лекин, барча муваффақиятларимизни эътироф этган ҳолда, биз, санъаткорлар ҳамиша халқимиз олдидаги масъулиятимизни ҳис қиламиз, ўзимизни ҳали қарздор деб ҳисоблаймиз. Партия ва ҳукуматимиз кейинги йилларда чорвачиликни кескин ривожлантириш учун кенг миқёсда фаолият кўрсатмоқда. Лекин бу мавзудаги яхши спектакларимиз борми? Ёки пиллачиликни олайлик. Ранги кўзни камаштирувчи атласимизнинг довруғини бутун жаҳон яхши биларди. Лекин пиллакорларнинг жасоратини кўрсатувчи саҳна асарларимиз, кинофильм ёки телевизион бадиий фильмларимиз борми? Шахсан мен ана шу мавзулардаги асарларда замондош аёлларимизнинг ролини бажонидил ижро этишни орзу қилардим...

Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди санъаткорларга янги ижодий уфқлар белгилаб бераётган экан, бундан кейин ҳам биз истеъдод ва маҳоратимизни халқимизнинг маънавий баркамоллиги йўлига сафарбар этаверамиз.

ДЕЛЕГАТЛАР, СИЗЛАР УЧУН

ПАРТИЯ МАДҲИ

Тошкентдаги Охунбобоев номли шаҳар маданият уйининг «Дуторчи қизлар» ансамбли Ўзбекистон Компартияси XX съезди ўз ишини давом эттираётган кунлари мажлис танаффуслари пайтида ўз маҳоратларини намойиш қилади.

Ана шундай масъулият қизлар ансамбли репертуарини қайтадан кўриб чиқишни тақозо этди. Съезд делегатлари эътиборига ҳавола этиладиган концерт программасидан Батанни, Коммунистик партиячи, меҳнат кишисини мадҳ этувчи куй ва қўшиқлар кенг ўрин олди.

Шунингдек, съезд делегатларига Октябрь район маданият уйининг «Баёт» ансамбли, Т. Содиқов номли шаҳар маданият уйининг «Нилуфар» вокал-чолғу ансамбли бадиий ҳаваскорлари ҳам ўз программаларини намойиш қиладилар.

ОҚШОМ ЧИРОҚЛАРИ

Пойтахт театрлари коллективлари — съезд делегатлари учун ўзларининг энг яхши спектакларини кўрсатадилар.

Навоий номидаги Ўзбек давлат академик Катта театрида А. Холминовнинг «Ҳаётбахш ўлим», П. Чайковскийнинг «Оққуш кўли», Ж. Верднинг «Дон Карлос» асарлари, Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрида «Кузнинг биринчи куни», «Қизил яйловдаги кўк тулпорлар» спектаклларни намойиш қилинади.

Кеча эса съезд делегатлари А. Навоий номли театрда республика бадиий ҳаваскорлик коллективларининг катта концертини томоша қилдилар. Бу программа иккинчи истеъдод эгаларининг ўзига хос кўригига айланиб кетди. «Баҳор» концерт зали ҳам одатдагидан гавжум бўлади. Бу ерда Волжск рус халқ хори ҳамда Украинанинг «Крим чайкалари» эстрада ансамбли санъаткорлари ўз репертуарларидаги энг яхши номерларни коммунистлар анжумачи қатнашчиларига ҳадя этадилар.

Тошкент Давлат циркида эса Латвия ССР халқ артисти Степан Денисов раҳбарлигидаги «Бенгал йўлбарслари» аттракциони гастроллари давом этади. Бир сўз билан айтганда, пойтахтдаги барча театрларда оқшом чироқлари порлаб туради.

КЎРГАЗМАГА МАРҲАМАТ

Узбекистон Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида очилган тематик кўргазма «Съездан съездгача» деб аталади.

Унда сўнгги беш йил ичида республикамиз халқ хўжалик тармоқларида қўлга киритилган барча ютуқлар ўз аксини топган. Катор диаграммаларда, фотосуратларда ва бошқа экспонатларда саноат, қишлоқ хўжалиги ва транспорт, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда эришилган ютуқлар ифодаланган.

Партия съезди делегатлари кўргазма заллари бўйлаб коммунистлар авангардлигида қўлга киритилаётган оламшумул ютуқларнинг яна бир марта гувоҳи бўлишлари мумкин.

«Съездан — съездгача» деб номланган кўргазмалар пойтахтдаги бошқа бир қатор музейларда ҳам очилган.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

«Пахтачиликда меҳнатни ташкил қилишни такомиллаштириш ва моддий рағбатлантиришни нормалаштириш». КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди олдидан Оққўрғон районида бўлиб ўтган илмий-амалий конференция ана шундай деб номланди. Бу тадбирни район партия комитети ва СССР Меҳнат давлат комитети илмий тадқиқот институтининг Ўзбекистон филиали уюштирди.

Йиғилганлар район партия комитетининг иккинчи секретари Ш. Гатауллин, илмий тадқиқот институти бўлим мудирлари Т. Мирзаев, Ч. Рўзиматов, «Оққўрғон» совхозининг бош иқтисодчиси Н. Большешапов, «Ленинобод» колхозининг бош бухгалтери Р. Валиев, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик министрлиги меҳнат ва иш ҳақи бошқармасининг бошлиғи П. Лим ва бошқаларнинг докладларини тингладилар.

Илмий-амалий конференция тавсиянома қабул қилди.

РЕКЛАМА ва ЭЪЛОНЛАР

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Мультфильмлар. 10 40 — Эски туфли. Бадиий фильм. 11.40 — Халқ оҳанглари. 11.55 ва 15.00 —Янгиликлар. 15.20 — Совет Иттифоқи билан Руминия Социалистик Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам ҳақидаги Шартнома имзоланганлигининг йиллигига. 15.50 — Волейбол бўйича СССР чемпионати. «Автомобилист» (Ленинград) — МАСК. 16.25 — Ёшлар учун музикали кечалар. 18.25 — Биз — БАМни қураяпмиз. 19.00 — Расмларда қуёш акси бор. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Фан оламида. 20.00 — Концерт. 20.25 — Кўрик. Ҳужжатли фильм. Уртоқ Л. И. Брежнев китоби асосида. 4-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Санъат усталари. 23.30 — Дунё воқеалари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

10.00 — Узбекистон Коммунистик партияси XX съезди нинг очилиши. Кўрсатув тугагач ҳужжатли фильм. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Нурли чеҳралар. 18.40 — Ҳужжатли фильм. 19.00 — Ахборот. 19.15 — Концерт. 20.05 — Ахборот. 20.25 — Кўрик. Ҳужжатли фильм. Уртоқ Л. И. Брежневнинг китоби асосида. 4-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Узбекистон Компартияси XX съезди нинг очилиши ҳақида репортаж. 22.45 — Узбекистон Компартияси XX съездига бағишланган Ўзбекистон бадиий ҳаваскорлик коллективларининг концерти.

II.

18.40 —Болалар учун фильм. 19.00 — Эстетика асослари. 19.40 — Янгиликлар. 20.00 — Катта ҳашар. 20.15 — Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 20.45 — Ҳужжатли фильм. 21.00 — Назарий механика. 22.00 — Жўра саркор. Бадиий фильм.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

10 февралгача намойиш қилинадиган спектакларнинг

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

3 — Ун учинчи раис (КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездига бағишланган).

4 — Кузнинг биринчи куни (КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездига бағишланган).

5 — Қизил яйловдаги кўк тулпорлар.

6 — Нодирабегим.

7 — Истеҳком.

8 — Шошма, қуёш.

9 — Абу Али ибн Сино.

10 — Келинлар қўзғолони.

Спектакллар соат 19.30да бошланади.

Касса эрталаб соат 10.00дан очиқ.

Телефонлар: 44-57-75, 44-24-47.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА

3 февраль соат 19.00да

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

Александр Гельман асари Низом Комилов таржимаси

«МУКОФОТ»

Постановкачи режиссёр — Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Убайдулло Боқоев.

Рассом — Слугин Анатолий Прокофьевич.

Режиссёр ассистенти — Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ширин Азизова.

БОШ РОЛЛАРДА: Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Узбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Тўғон Режеметов; Узбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Мурод Ражабов; Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ширин Азизова; артистлар: Салоҳиддин Зиямуҳамедов, Маҳмуд Исмоилов, Элдор Ҳанимов ва бошқалар.

«УЗБЕКБИРЛАШУВ» ПРАВЛЕНИЕСИ «ХУМСОН» КАРДИО-НЕВРОЛОГИЯ САНАТОРИЙСИГА



февраль, март, апрель ва 10 майгача

НАҚД ПУЛГА ВА ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН

ПУТЁВКАЛАР СОТАДИ

«Хумсон» санаторийси Тошкентдан 80 километр масофада, Тошкент область, Бўстонлиқ районининг тоғ қўйнида жойлашган.

Санаторий замонавий физиотерапевтик ускуналар ва бальнеологик аппаратлар билан жиҳозланган.

Юрак-ичак, асаб системасининг функционал касалликлари, бронхит, бронхиал астма ва таянч-ҳаракат аъзолари касалликлари даволанади.

Даволаниш муддати — 24 кун.

Путёвка баҳоси — 135—150 сўм.

Путёвкаларни қуйидаги адресдан сотиб олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Узбекистон кўчаси, 45-уй, 2-қават, 3-хона ҳамда Бўстонлиқ районида санаторийнинг ўзида (бухгалтериясидан).

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553; фотомухбир — 325894.

Р. 01771. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. В. 1534.